

АБУ ДОВУД РОҲИМАХУЛЛОҲ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20780961>

Джуманов Абдулҳамид

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси*

Имомнинг тўлиқ исм-шарифи Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ал-Аздий⁴¹ ас-Сижистоний бўлиб, куняси Абу Довуддир. Имом Абу Довуд хижрий 202 (мелодий 817) йилда Сижистон минтақасида дунёга келган. Машҳур “Масобих” китобининг соҳиби факих олим Бағдоднинг катта ҳофизларидан бўлган Абу Бакр Абдуллоҳ ҳам Абу Довуднинг ўғлидир. Абу Довуд раҳимахуллоҳ илмга муҳаббат кўйган ҳолда униб ўсдилар. Ёшлиқларидан ҳадисларни ёзиб боришни одат қилдилар. У зотнинг икки чўнтаги бўлиб, бири кенг иккинчиси тор эди. Унга: “Аллоҳ сизга раҳм қилсин, бу нима?” дейилганда, у зот: “Кенги китоблар учун, наригисига эҳтиёжимиз йўқ”, деб жавоб бердилар⁴².

Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ ёшлигидан илмга чанқоқ ва муҳаббатли эди. Унинг энг улкан мақсади ва орзуси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифларини ёд олиш ва уни қоғозга тушириш бўлган. У ёшлигидан зехни ўткирлиги ва зийраклиги билан тенгқурларидан ажралиб турар ва бу унинг келажакда буюк олим бўлиб етишишини кўрсатар эди⁴³.

Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ етук муҳаддис уламоларга бой хижрий учинчи асрда ўсиб-улғайди. Бу аср ҳадис илмининг энг гуркираган даври ҳисобланиб, бошқа асрларга таққослаганда буюк муҳаддис уламоларга бой ва мўътабар ҳадис китоблари ёзилиб, ислом кутубхонасини бойитган аср экани билан ажралиб туради. Бу даврга келиб илм талабида сафар қилиш кенг тус олган эди. Кўпчилик толиби илмлар ўз ватанлари, киндик қони тўкилган ерларини ташлаб, буюк муҳаддис уламолар билан учрашиш, уларнинг илм мажлисларига қатнашиб, улар ривоят қиладиган саҳиҳ ҳадисларни ёзиш, шунингдек, улардан илм ўрганиш мақсадида уламоларга бой Исломи

⁴¹ Аздий деб насаби Азд ибн Ғавс ибн Набт ибн Молик ибн Зайд ибн Каҳлон ибн Сабаъ ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қаҳтонга бориб тақалувчи кишига нисбатан айтилади.

⁴² Такийюддин ан-Надавий ал-Музоҳирий. Аъламул ал-муслимийн. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

⁴³ Халил Аҳмад ас-Саҳаронфурий. Базлул-мажҳуд фий ҳилли Сунани Аби Давуд. – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.

ўлкаларига сафар қилишар эди. Абу Довуд раҳимахуллох бошқа ҳадис олимлари каби ҳадис излаб кўплаб шаҳарларга бордилар. Ушбу сафарларида кўплаб улуғ муҳаддис ва ҳофизлар билан учрашиб, улардан кўплаб илмлар ўргандилар.

Абу Довуд раҳимахуллох Ироқ, Хуросон, Шом, Миср ва Хижоз ўлкаларига сафар қилиб, у ерларда Абу Умар Зорийр, Муслим ибн Иброҳим, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абдуллох ибн Муслим Қаънабий, Абдуллох ибн Ражо, Абу Валид Таёлисий, Аҳмад ибн Юнус, Абу Жаъфар Нуфайлий, Абу Тавба Ҳалабий ва Сулаймон ибн Ҳарб Кирмоний каби ўша асрда яшаб ўтган буюк муҳаддис уламолардан кўплаб ҳадисларни ўргандилар.

Буюк муҳаддисларнинг баъзиларини мазҳаблари борасида ихтилофлар мавжуд. Хусусан Абу Довуд раҳимахуллохнинг мазҳаблари борасида ҳам шундай ихтилофлар бор. Баъзилар у зотни ханбалий, яна баъзилар эса шофий мазҳабида эди, деганлар.

Шайх Абу Исҳоқ Шерозий раҳимахуллох “Табақотул фуқаҳо” асарида у зотни “Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллохнинг соҳибларидан эди”, деганлар.

Шунингдек, Қози ибн Абу Яъло раҳимахуллох Абу Довуд раҳимахуллохни “Табақотул ханабила” китобида зикр қилиб ўтганлар.

Аммо Саййид Сиддиқ Ҳасанхон⁴⁴ раҳимахуллох эса ўзининг “Абжадул улум” китобида Бухорий, Абу Довуд ва Насоий раҳимахуллохларни шофийлардан эканлигини айтиб ўтганлар. Лекин “Кашфуз зунун” асарининг соҳиблари эса Абу Довуд раҳимахуллох ҳақларида қуйидагиларни келтирадилар: “Унинг мазҳаби унинг учун заиф ҳадис фақиҳлар фикридан кучлироқ эканлигидир”. Бу фикрга уламолардан баъзилари мойил бўлганлар.

Бу фикрларга биноан, Абу Довуд ва Термизий раҳимахуллохлар Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллохнинг соҳибларидан бўлсалар-да, лекин мутлақ мужтаҳид эканликлари келиб чиқади.

Яна бу борада Шайх Тоҳир ал-Жазоирий:⁴⁵ “Менинг наздимда, Бухорий ва Абу Довуд айнан бир кишига муқаллид эмас. Бироқ, мутлақ мужтаҳид даражасида ҳам эмасдир, балки ўз имомларининг гапларига мойил бўлганлар”, деганлар.

⁴⁴ Саййид Сиддиқ Ҳасанхон ибн Али ибн Лутфуллох ал-Хусайний ал-Бухорий (1248-1307 х.) Такийюддин ан-Надавий ал-Музоҳирий. Аъламул ал-муслимийн. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

⁴⁵ Шайх Тоҳир ибн Солий ибн Аҳмад ибн Мавҳуб ас-Самъуний ал-Жазоирий (1268-1338 х.) Такийюддин ан-Надавий ал-Музоҳирий. Аъламул ал-муслимийн. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

Шайх Аллома Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий⁴⁶ “Саҳиҳул Бухорий”нинг шарҳи “Файзул Борий”да: “Насоий ва Абу Довуд ханбалӣ мазҳабида бўлганлар”, деганлар. Лекин ўша шарҳнинг бошқа жойида Абу Довуд раҳимахуллоҳнинг ханбалӣ эканликларини қатъий айтганлар. Шайх Ибн Қажум раҳимахуллоҳ “Иъламул муқибин” китобида: “Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Асрам раҳимахуллоҳлар Аҳмад ибн Ханбалнинг асҳобларидандир. У зотга эргашувчи муқаллиддирлар” деганлар.

Ибн Абу Яъло раҳимахуллоҳ ҳам бу учала Имомларни ханбалӣлар табақасида санаб ўтганлар.

Аммо Имом Тож Субкий⁴⁷ раҳимахуллоҳ шофийлар табақасида Бухорий, Абу Довуд ва Насоийнигина санаганлар.

Ханафийлар ва моликӣлар эса бу улуғ муҳаддислардан бирортасини ўз табақаларида санамаганлар⁴⁸.

Шайх Аллома муҳаддис Муҳаммад Закариё Кондехлавий⁴⁹ раҳимахуллоҳ бу ихтилоф борасида қуйидагиларни зикр қилганлар:

“Аҳли илмлар ҳадис имомларининг фикҳдаги маслаклари борасида ихтилоф қилиб, баъзилари уларнинг барчасини мужтаҳид десалар, баъзилари эса уларни муқаллид, деганлар. Лекин менинг наздимда, бу ерда қатъий фикр айтиш тўғри эмас. Масалан, Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ қатъий ханбалӣ мазҳабида яъни, муқаллиддирлар. Имом Таҳовий раҳимахуллоҳ ханафий мазҳабида қай даражада муташаддид бўлсалар, Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ ҳам, ханбалӣ мазҳабига эргашиб борасида шундай мақомда турадилар. Абу Довуд раҳимахуллоҳнинг Сунан асарига диққат-эътибор билан назар солган киши бу ҳақда асло шубҳа қилмайди.”.

Масалан, кўпинча, Абу Довуд раҳимахуллоҳ Сунанда машҳур ривоятларнинг хилофи ўларок ўз маслакларини қувватлаганликларига ишора қиладилар. Ҳатто маслагининг ҳукмига биноан баъзи бобларни номлаганлар, масалан, “Тик туриб бавл қилиш боби” каби. Аслида, бу масалада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўллари ўтириб бавл қилишдир. Ўтирган ҳолда бавл қилиш ҳақида келган машҳур ҳадисларни бу бобда зикр қилмасдан, уларни “Аёлдан қолган пок сув билан таҳорат қилиш” бобида зикр қиладилар. Шундан сўнг, мана шу ишдан қайтариш бобини зикр

⁴⁶ Муҳаммад Анвар ал-Кашмирий ваф. 1352 х. Такийюддин ан-Надавӣ ал-Музоҳирий. Аъламул ал-муслимийн. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

⁴⁷ Абдулваҳоб ибн Али ибн Абдулкафӣ ас-Субкий (727-771 х). Халил Аҳмад ас-Саҳаронфурий. Базлул-мажҳуд фий хилли Сунани Аби Давуд. – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.

⁴⁸ Такийюддин ан-Надавӣ ал-Музоҳирий. Аъламул ал-муслимийн. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

⁴⁹ Муҳаммад Закариё Кондехлавий (1315-1402). Халил Аҳмад ас-Саҳаронфурий. Базлул-мажҳуд фий хилли Сунани Аби Давуд. – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.

қилдилар. Гўё мана қайтариқ аёллардан қолган сув билан таҳорат олмасликка ишора қиладилар. Бундай йўл тутишлари ҳам Абу Довуд раҳимахуллоҳнинг ҳанбалий мазҳабида эканлигини қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, “Олов теккан нарсдан таҳорат қилиш” номли бобни келтириб, шундан сўнг “Бу нарсада қаттиқ олиш” бобини алоҳида келтирдилар. Бу билан олов теккан нарсдан таҳорат олиш масаласи аввалда енгил қаралган бўлса-да, кейинчалик қатъий олиб бўлмаслик ҳукми ҳадиси шариф билан собит бўлганлигини баён қилган. Бу ҳам Абу Довуд раҳимахуллоҳнинг ҳанбалий мазҳабида эканликларига ишора қилади.

Сунан китобига теран назар солган кишига бу нарса яққол намоён бўлади”⁵⁰.

Яна бошқа ўринда Муҳаммад Закариё Кандехлавий раҳимахуллоҳ: “Менинг наздимда Абу Довуд раҳимахуллоҳнинг шак-шубҳасиз ҳанбалий эканлиги энг тўғри маслакдир. У зотнинг Сунанларига назар солган киши бунини инкор қилмайди. Имом Бухорий эса, мужтаҳид эдилар. Бу нарса имомлар ихтилофини билладиган кишига Бухорийнинг таржимаи ҳолларини чуқур ўрганиш билан равшан бўлади”, деганлар⁵¹.

Хулоса:

Абу Довуд раҳимахуллоҳ мужтаҳиди мутлоқ эмасдир. Ҳанафий ва Моликий мазҳабида ҳам эмасдир. Ҳанбалий мазҳабида эканлиги ҳақидаги ривоят кучлироқдир.

Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ учинчи ҳижрий асрда яшаб ўтдилар. 202 ҳижрий санада туғилиб, 275 санада вафот этганлар. Ўша даврда Ислом олами Аббосий халифалар қўли остида эди. Халифалик пойтахти эса Бағдод эди. Аббосийларнинг аввалги асри ҳижрий 132 санадан 232 санагача деб эътибор қилинади. Бу асрда халифалар халифалик ишларида мустақил бўлиб, давлат сиёсатини гўзал тадбир билан бошқарганлар. Форс ва бошқа миллатларни истибдодига юз тутишига йўл қўймаганлар, яъни халифаликка нисбатан тажовуз қилишларига йўл қўймаганлар.

Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ халифа Маъмуннинг⁵² даврида дунёга келганлар. Чунки бу халифа 218 ҳижрий санада вафот этадилар, сўнг Мўътасим⁵³ халифа бўлади. Бу халифа 228 санада вафот этади, сўнг Восиқ⁵⁴

⁵⁰ Тақийуддин ан-Надавий ал-Музохирий. Аъламул ал-муслимийн. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

⁵¹ Халил Аҳмад ас-Сахаронфурий. Базлул-мажхуд фий хилли Сунани Аби Давуд. – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.

⁵² Абул Аббос Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид ал-Маъмун (172-218 х.).

⁵³ Абу Исҳоқ Муҳаммад Мўътасим (179-228 х.).

⁵⁴ Абу Жаъфар Ҳорун ал-Восиқ (186-232 х.).

халифа бўлди ва у 232 йилда вафот этади. Мана шу санада Аббосийлар халифалигининг энг кучли деб ҳисобланган биринчи асри тугайди. Халифа Восикнинг вафоти билан сулоланинг қувватли асри ниҳоясига етади.

Иккинчи асрнинг бошларидан бошлаб халифаликка заифлик ета бошлади. Бу халифа Мутаваккил⁵⁵нинг замонасида бўлди. Халифа Мутаваккил 247 йилда вафот этади. Ундан кейин халифаликка Мунтасир⁵⁶ келиб, бир йил халифалик қилди. Сўнгра Мустаъин биллаҳ⁵⁷ халифа бўлди ва 252 йил – то вафот этгунича халифалик қилди. Сўнгра Мўътаз биллаҳ⁵⁸ 255 йилгача халифа бўлди. Сўнг Мухтадий⁵⁹ 256 йилга қадар халифалик қилди. Сўнг Мўътамид алаллоҳ⁶⁰ 279 йилга қадар халифалик қилди. Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ Мўътамид алаллоҳ замонасида вафот этганлар⁶¹.

Хулоса:

Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ тўққиз халифанинг замонасида яшаб ўтдилар. Гарчи бу зот аввалида сиёсий жиҳатдан кучли бўлиб, сўнг заифлашган асрда яшаган бўлсаларда, лекин бу давр илмий жиҳатдан ўта гўзал ва ривожланган аср ҳисобланади. Бу даврда исломий илмлар юқори суратда тарққий этди. Ислом оламининг барча ўлкалари, хусусан Бағдодда барча фанлар ривожланди. Тўрт мазҳаб шаклланиб, бу борада китоблар тасниф қилинди. Аксарият инсонлар бу мазҳабларга эргашдилар. Қуръон илмлари ҳам юқори даражада ривожланди, хусусан тафсир илми. Сийрат, мағозий, тарих ва табақотлар борасида ҳам кўплаб китоблар ёзилди. Қуръони каримга хизмат қилиш мақсадида араб тилига оид фанларга ҳам асос солинди.

Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ мусулмонлар диёрлари ичида буюк муҳаддислар яшаётган муҳим минтақаларга сафар қилганлар. У зот омонатдор ва ишончли шайхлардан ҳадис эшитдилар. Бу борада жуда ҳам кўп шайхлардан истефода қилдилар. Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ Абу Довуднинг Сунан ва бошқа китобларидаги келтирган ҳадисларини эшитган устозларининг адади уч юзга яқин эканлигини зикр қилганлар.

Абу Довуд раҳимахуллоҳ ҳадис ўрганиш учун борган илм марказларида бир неча олимлар билан учрашганлар, улардан ҳадис ўрганганлар. Абу

⁵⁵ Абул Фазл Жаъфар Мутаваккил (206-247 х.).

⁵⁶ Абу Жаъфар Муҳаммад Мунтасир (ваф. 250 х.).

⁵⁷ Абул Аббос Аҳмад ал-Мустаъин (ваф. 252 х.).

⁵⁸ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Мўътаз (232-255 х.).

⁵⁹ Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Ҳорун ал-Мухтадий (219-256 х.).

⁶⁰ Аҳмад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мўътамид алаллоҳ (229-279 х.).

⁶¹ Жалолиддин ас-Суютий. Тарихул хулафо. – Қатар: “Мизаротул авқоф ва шуун ал-исламия” нашриёти, 2015.

Довуд раҳимахуллоҳ ҳадис ўрганган ҳадисшунос олимлардан машҳурларини куйида санаб⁶² ўтамиз:

1. Имом, факих, муҳаддис, ҳанбалий мазҳабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал аш-Шайбоний ал-Марвазий ал-Бағдодий (164-241)⁶³.

2. Абу Закариё Яҳё ибн Маъин ибн Авн ас-Сақафий (в. 233)⁶⁴.

3. Абул Ҳасан Усмон ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба Иброҳим ибн Усмон ал-Абси ал-Кофи (в. 239)⁶⁵.

4. Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Маслама ибн Қаънаб ал-Қаънабий ал-Ҳорисий ал-Маданий (в. 211).

5. Абул Ҳасан Мусаддад ибн Мусарҳад ал-Асадий ал-Басрий (в. 228).

6. Абу Салама Мусо ибн Исмоил ат-Тамимий ал-Манқорий ат-Табузкий (в 223).

7. Ҳасан ибн Амр ас-Садусий ал-Басарий. Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳнинг айтишича 230 йилда вафот этган.

8. Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Нуфайл ал-Ҳузайй ал-Ҳамароний (в. 234).

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал аш-Шайбоний Абу Абдуллоҳ Марвазий раҳимахуллоҳ. Машҳур имом, Муснад китобининг соҳиби. 164 йилда таваллуд топганлар ва Бағдодда 241 йил робиул аввал ойининг жума кунинда вафот этдилар.

Яҳя ибн Маъин абу Закария раҳимахуллоҳ. Бу зот ҳақларида Хатиб Бағдодий раҳимахуллоҳ куйидагиларни зикр қилади: “У зот ҳофиз, ўта ишончли, раббоний олим эдилар. 233 йилда Мадинада 77 ёшларида вафот этганлар”.

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Абу Якуб ал-Ҳанзалий раҳимахуллоҳ. Бу зот 131 йилда туғилиб 238 йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

Усмон ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба Абулҳасан ал-Абасий ал-Куфий раҳимахуллоҳ. У зот Абу Бакр ибн Абу Шайбанинг инисидир. 239 йилда вафот этганлар.

⁶² Ибн Раслон. Шарху сунани Аби Давуд. – Файюм: “Дорул фалаҳ” нашриёти, 2016.

⁶³ Жалолоддин Абдурахмон ибн Абу Бакр Суяутий. Табақатул Ҳуффаз. . – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006. 186 б.

⁶⁴ Жалолоддин Абдурахмон ибн Абу Бакр Суяутий. Табақатул Ҳуффаз. . – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006. 185 б.

⁶⁵ 49-сноскадаги манба. 193 б.

Муслим ибн Иброҳим ал-Аздий ал-Фароҳидий ал-Басрий Абу Амр раҳимаҳуллоҳ. Бу зотдан Яҳя ибн Маъин ва Бухорий раҳимаҳуллоҳлар ҳадис ривоят қилганлар. 222 йилда вафот этганлар.

Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Маслама ибн Қаънаб ал-Қаънабий ал-Ҳорисий ал-Маданий раҳимаҳуллоҳ. 221 йилда Маккада вафот этганлар.

Абул Ҳасан Мусаддад ибн Мусарҳад ибн Мусарбал ал-Басрий ал-Асадий раҳимаҳуллоҳ. 228 йилда вафот этганлар.

Абу Салама Муса ибн Исмоил ат-Тамимий ат-Табузикий раҳимаҳуллоҳ. 223 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Башшор ибн Усмон ал-Абдий ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ. У зот Бандар лақаби билан машҳур бўлганлар. 252 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Абу Ҳайсама Зухайр ибн Ҳарб ибн Шаддод ал-Ҳароший ан-Насай раҳимаҳуллоҳ. 234 йилда вафот этганлар.

Абу Ҳафс Умар ибн ал-Хаттоб ас-Сижистоний раҳимаҳуллоҳ. 264 йилда вафот этганлар.

Абу Усмон Амр ибн Муҳаммад ибн Бакир ибн Собир Нокид ал-Бағдодий раҳимаҳуллоҳ. 222 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Солиҳ Абу Сарий ибн Мусъаб ат-Тамимий ад-Доримий раҳимаҳуллоҳ. 243 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Имом Наср ибн Али ал-Жаҳзамий ал-Аздий раҳимаҳуллоҳ. 250 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Абу Курайб Муҳаммад ибн Алоъ ибн Курайб ал-Ҳамадоний ал-Куфий раҳимаҳуллоҳ. 248 йилда вафот этганлар.

Абу Амр Абу Усмон Амр ибн Марзуқ ал-Боҳилий ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ. 224 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Абу Мусо Муҳаммад ибн ал-Мусанна ибн Убайд ибн Қайс ал-анзий ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ. 252 йилда вафот этганлар.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Касир ал-Абдий ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ. 223 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба Иброҳим ибн Усмон ал-Абасий ал-Куфий раҳимаҳуллоҳ. 235 йилда вафот этганлар.

Ҳофиз Абул Аббос Ҳаёт ибн Шурайх ибн Язид ал-Ҳазрабий ал-Ҳимсий раҳимаҳуллоҳ. 224 йилда вафот этганлар.

Сулаймон ибн Ҳарб. Бу зот 140 йилда туғилиб 224 йил вафот этганлар.

Абул Валид ат-Тоялисий раҳимаҳуллоҳ. . Бу зот 133 йилда туғилиб 227 йилда вафот этганлар.

Абу Довуд раҳимахуллоҳ ҳадис ва унга боғлиқ илмларда улуғ мартабага эришдилар. Бу зотнинг илму ирфонларидан баҳраманд бўлиш учун дунёнинг ҳар тарафидан толиби илмлар оқиб кела бошлади. Ҳатто у зотнинг баъзи дарс ҳалқаларида мингдан зиёд кишилар ҳадис эшитар эдилар. Шу боис у зотнинг шогирдлари ададини муайян миқдорга чеклаш мумкин эмас⁶⁶.

Абу Довуд раҳимахуллоҳ ўз ҳаётларини ҳадис илмига фидо қилдилар. Бу йўлда кўплаб шогирдлар чиқардилар. У кишининг қўлида таълим олган машҳур шогирдлар орасида Имом Термизий, Имом Насайй, Имом Абу Бакр ибн Абу Довуд, Абу Авона, Абу Бишр Дулобий, Алий ибн Ҳасан ибн Абд, Абу Усома Муҳаммад ибн Абдулмалик, Абу Саид ибн Аъробий, Абу Алий Луълуъий, Абу Бакр ибн Доса, Абу Солим Муҳаммад ибн Саид Жалудий, Абу Амр Аҳмад ибн Алий каби улуғ олимлар бор эди. Абу Довуддан у кишининг шайхи Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Атийра ҳадисини ёзиб олган. Бу ҳадисни у киши Доримийдан, у отасидан ривоят қилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳ васалламдан Атийра тўғрисида сўралди. У зот уни чиройли санадилар. Ибн Абу Довуд айтади: “Отам шундай деди: “Бу ҳадисни Аҳмад ибн Ҳанбалга айтиб берган эдим, у уни маъқуллади ва: “Бу ҳадис ғарибдир”, деди. Кейин менга: “Ўтириб тур”, деб кириб қоғоз, қалам ва сиёҳдон олиб чиқди-да: “Менга айтиб бер”, деб мендан уни ёзиб олди. Сўнг бошқа куни у билан кўришганимда, унинг олдига Жаъфар ибн Абу Самина келган экан. Аҳмад ибн Ҳанбал унга: “Эй Абу Жаъфар, Абу Довудда бир ғариб ҳадис бор. Ундан ёзиб ол”, деди. Шунда у мендан сўради. Мен унга айтиб бердим”. Атийра ражаб ойида сўйиладиган жонлиқ бўлиб, жоҳилиятда унга амал қилинар, ислом келгач у насх қилинган эди...⁶⁷

Абу Довуд роҳматуллоҳи алайҳнинг ҳадис илми борасида кўплаб китобларни ёздилар. Далоилун Нубувва, Китобут Тафаррут фис Сунан, Имом Аҳмаддан сўралган масалалар китоби, Носихул Қуръан ва мансухуҳу, Китобуз Зухд шулар жумласидандир.

1. المراسيل бу асар 1310 ҳижрий санада Қоҳирада чоп этилган⁶⁸.

2. الرد على القدرية Имом Суютий раҳимахуллоҳ бу асар ҳақидаги фикрларини “Тадриб” китобида ва Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ ўзининг “تهذيب التهذيب”⁶⁹ асарида “الرد على أهل القدر” номи билан келтирганлар. Бу китобни Абу Довуд раҳимахуллоҳдан ривоят қилган зот Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн

⁶⁶ Халил Аҳмад ас-Саҳаронфурий. Базлул-мажҳуд фий хилли Сунани Аби Давуд. – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.

⁶⁷ Ибн Раслон. Шарҳу сунани Аби Давуд. – Файюм: “Дорул фалаҳ” нашриёти, 2016.

⁶⁸ Абу довуд раҳимахуллоҳ . ал-Маросил. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1986.

⁶⁹ Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзибут таҳзиб. – Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

Аҳмад ибн Якуб ал-Мутавассий ал-Басрийдир. Фуат Сезгин: “Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг Ал-исоба асарида бу китобдан иқтибослар келтирган”, деганлар.

3. “الناسخ و المنسوخ” бу китобни Абу Довуддан ривоят қилган зот Абу Бакр Аҳмад ибн Салмон ан-Нажжоддир. Имом Суютий ҳам бу асар ҳақида гапирганлар. Бу китобни Исмоил Бағдодий “ناسخ القرآن و منسوخه” номи билан зикр қилган.

4. “مسائل الإمام أحمد” бу асар фикҳ бобларига монанд тартиблангандир. Унда Абу Довуд раҳимахуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳга берилган саволлар ва у зотнинг бу саволларга берган жавобларини зикр қилганлар. Бу китоб фикҳ эътиборидан жуда муътабар китобдир. Имом Абу Довуд бу асарда Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳнинг фикрларини омонат билан бизга ривоят қилганлар⁷⁰.

5. “كتاب الزهد” бу китоб парҳезкорлик бобида муътабар асар ҳисобланади. Бугунги кунда унинг асл нусхаси Дамашқ шаҳридаги “Зоҳирийя” ва Фас шаҳридаги “Қорвин” кутубхонасида мавжуддир⁷¹.

6. Ўзининг Сунан асари ҳақида ёзган рисоласи. Бу рисола Қоҳира шаҳрида аллома Муҳаммад Зоҳид Кавсарийнинг таҳқиқ ва таълиқлари билан 1369 ҳижрий санада чоп этилган. 1393 ҳижрий санада эса “بذل المجهود” асари билан бирга чоп этилди⁷².

7. “إجاباته عن سؤالات أبي عبيد محمد بن علي بن عثمان الأجري” номли асари. Бу ҳақда Ибн Касир раҳимахуллоҳ куйидагиларни зикр қилади:

“Абу Убайд жарх,таъдил, тасҳиҳ ва таълил борасида Абу Довуд раҳимахуллоҳга берган саволларига ўзининг берган жавобларини зикр қилган. Бу жуда фойдали асардир”. Фуат Сезгин эса бу китобни “سؤالات أجاب” номи билан зикр қилган. Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ ўзининг “تهذيب التهذيب” асарида бу рисоладан фойдаланганлар.

8. “تسمية الإخوة الذين روي عنهم الحديث” асаридир. Бу асар ҳам учинчи ҳижрий асрнинг муътабар асардаридан бири. Чунки муаллиф унда замонасининг ҳақиқий ҳадис ривоят қилишга салоҳиятли бўлган муҳаддислар номини зикр қилади. Бу асар ҳозирда Дамашқдаги “Зоҳирийя” кутубхонасида сақланади⁷³.

⁷⁰ Ибн Раслон. Шарҳу сунани Аби Давуд. – Файюм: “Дорул фалаҳ” нашриёти, 2016.

⁷¹ Тақийюддин ан-Надавий ал-Музоҳирий. Аъламул ал-муслимийн. – Дамашқ: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.

⁷² Халил Аҳмад ас-Саҳаронфурий. Базлул-мажхуд фий хилли Сунани Аби Давуд. – Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.

⁷³ 57-сноскадаги манба.

9. “أسئلة لأحمد بن حنبل عن الرواة و الثقات و الضعفاء” бу асар аввали ноқис нусхалардан бўлиб, ҳозирда Дамашқдаги “Зоҳирийя” кутубхонасида сақланади. Ҳижрий 1353 йилда “مسائل أبي داود” номи билан чоп қилинган⁷⁴.
10. “كتاب البعث النشور” бу асар ҳам ҳозирда Дамашқдаги “Зоҳирийя” кутубхонасида сақланади⁷⁵.
11. “المسائل التي حلف عليها الإمام أحمد” , бу асар ҳам Дамашқда мавжуддир.
12. “دلائل النبوة” бу китоб номини Исмоли Бағдодий ва ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳлар “تهذيب التهذيب” асарида зикр қилганлар.
13. “هداية “ التفرّد في السنن” , бу китобнинг номини Исмоли Бағдодий ўзининг “العارفين” асарида зикр қилган.
14. “فضائل الأنصار” , бу китоб номини Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ ўзининг “تقريب التهذيب” асарида зикр қилиб ўтганлар.
15. “مسند مالك” , бу китоб номини Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ ўзининг “تقريب التهذيب” асарида зикр қилиб ўтганлар⁷⁶.
16. “الدعاء” , бу китоб номини Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ ўзининг “تهذيب التهذيب” асарида зикр қилиб ўтганлар⁷⁷.
17. “ابتداء الوحي” , бу китоб номини Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ ўзининг “تهذيب التهذيب” асарида зикр қилиб ўтганлар⁷⁸.
18. “أخبار الخوارج” , бу китоб номини Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ ўзининг “تهذيب التهذيب” асарида зикр қилиб ўтганлар⁷⁹.
19. “سنن أبي داود” , бу биз ўрганаётган ушбу асардир⁸⁰.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қуръони карим. Тошкент: “Nilol-Nashr” нашриёти, 2018.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. Тошкент: “Nilol-Nashr” нашриёти, 2016.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва ҳаёт 1 жуз. Муқаддима”. Тошкент: “Nilol-Nashr” нашриёти, 2016.
4. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Жомеъ ас-Сунан”. Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2017.

⁷⁴ 57-сноскадаги манба

⁷⁵ 57-сноскадаги манба

⁷⁶ 57-сноскадаги манба

⁷⁷ 57-сноскадаги манба

⁷⁸ Халил Аҳмад ас-Саҳаронфурий. Базлул-мажҳуд фий ҳилли Сунани Аби Давуд. – Байрут: “Дурул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.

⁷⁹ 64-сноскадаги манба

⁸⁰ 64-сноскадаги манба

5. Раҳматуллоҳ қори Обидов. “Суннат, ҳадис ва муҳаддислар”. Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2012.
6. Имом Аъзам Абу Ҳанифа. “Муснад”. Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2014.
7. “Саҳихул Бухорий”. Тошкент: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2014.
8. Имом Муслим. Саҳихул Муслим. Байрут “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.
9. Сулаймон ибн Ашъас Абу Довуд. Сунани Абу Довуд. Байрут “Муассасатур-райён” нашриёти, 1998.
10. Муҳаммад ибн Абу Бакр Розий. Мухторус сиҳох. Байрут: “Дорул-Башоир ал-Исломия” нашриёти, 2006.
11. Ал-мавсуъатул фикҳийя ал-Қувайтийя. Кувейт: “Ат-турос” нашриёти, 2012.
12. Жалолиддин Суютий. Мирқотус-соуъд ила Сунани Аби Давуд. Байрут: “Дор Ибн Ҳазм” нашриёти, 2012.
13. Абулҳасан ас-Синдий. Фатҳул вадуд фий шарҳи Сунани Аби Давуд. Миср: “Мактабатул Лийна” нашриёти, 2010.
14. Тақийюддин ан-Надавий ал-Музоҳирий. Аъламул ал-муслимийн. Дамашк: “Дорул қалам” нашриёти, 1996.